

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2021 йил апрель ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, ўзининг очик сайёр суд мажлисида, Фарғона шаҳар “Ипак йўли” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, раислик қилувчи К.Рахимов, М.Махмудовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Хапизов, гумон қилинувчи ХХХХХ ва жабрланувчи ХХХХХнинг иштирокида,

ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ (ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ), 1990 йил 05 ноябрь куни Фарғона шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, муқаддам судланган, вақтинча ишсиз Фарғона шаҳар, ХХХХХ кўчаси, ХХ<sup>А</sup>-уй, ХХ-хонадонда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1501-2104/698-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни:

### А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ 2021 йил 10 февраль куни Фарғона шаҳар марказидаги “Олтин водий” ошхонаси олдида ўзига олдиндан таниш бўлган фуқаро ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХдан телефон апаратыни кўнғироқ қилиб олиш учун олиб, уни чалғиб қолганлигидан фойдаланиб, умумий қиймати 1.500.000 сўм бўлган “Samsung J-5” русумли телефон апаратыни алдаш йўли билан қўлга киритиб, телефон апаратыни олиб воқеа жойидан кетиб юборган.

Жабрланувчи ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ судга гумон қилинувчи ХХХХХ билан ярашганлиги тўғрисида ариза тақдим қилиб, гумон қилинувчига ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар тўлиқ қоплангани сабабли зарар мавжуд эмаслиги, у билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлиги, бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, суд ярашувни тасдиқласа, иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилгани, шу боис иш юритишни тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи ХХХХХ судга ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи ХХХХХ ХХХХХга етказган зарарни бартараф этиб, у билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлиги сабабли иш юритишни тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида, ушбу Кодекс 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг аризаларини иш ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, гумон қилинувчи ХХХХХнинг айбига тўлиқ



икрорлиги, етказилган зарарни бартараф этганлиги, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, жабрланувчини гумон қилинувчи билан ихтиёрий равишда ўзаро ярашиб олганлигини инобатга олиб, жиноят ишини иш юритишдан тугатишни;

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 583, 585, 586-моддаларини қўллаб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи XXXXX XXXXX XXXXX (XXXXX XXXXX XXXXX)га нисбатан бўлган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Гумон қилинувчи XXXXX XXXXX XXXXX жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Ажримдан норози тараф йигирма кунлик муддатда Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

К.Рахимов

Ажрим нусхаси  
аслига тўғри:

